

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Кондратьев Н.Д. (2015) Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения: избранные труды. – М.: Академический проект, Альма Матер.
2. Schumpeter, J.A. (2017) *Essays: On entrepreneurs, innovations, business cycles and the evolution of capitalism*. Routledge.
3. Das, P., Verburg, R., Verbraeck, A., & Bonebakker, L. (2017) *Barriers to innovation within large financial services firms: An in-depth study into disruptive and radical innovation projects at a bank*. *European Journal of Innovation Management*, 21(1), 96-112.
4. Uz Kurt, C., Kumar, R., Semih Kimzan, H., & Eminoğlu, G. (2013) *Role of innovation in the relationship between organizational culture and firm performance: A study of the banking sector in Turkey*. *European Journal of Innovation Management*, 16(1), 92-117.
5. Fanelli, S., & Straub, L. (2020) *A theory of foreign exchange interventions (No. w27872)*. National Bureau of Economic Research.
6. Rajapathirana, R.J., & Hui, Y. (2018) *Relationship between innovation capability, innovation type, and firm performance*. *Journal of Innovation & Knowledge*, 3(1), 44-55.
7. Westland, J.C. (2017) *Global innovation management*. Bloomsbury Publishing.
8. Federal Reserve Bank of Atlanta, *Economic Review*. August, 1983, p. 10.
9. <https://data.worldbank.org>
10. <https://imf.org>



**ЎЗБЕКИСТОН ВАЛЮТА СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ҲАМКОР
ДАВЛАТЛАР БИЛАН ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol25_iss1/a13

Норбаева Мухлиса Акрам қизи
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси докторанти

Аннотация. Илмий мақолада Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларига валюта сиёсатининг таъсири баҳоланган. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон билан кенг иқтисодий алоқада бўлган асосий ҳамкор давлат таҳлил объекти сифатида олинган. Таҳлил натижаларига кўра, охириги йилларда Ўзбекистон валюта сиёсатидаги эркинлаштириш халқаро савдо алоқаларига ижобий таъсири наст бўлган. Яъни валюта курсининг сузиб юривчи курс режимига ўтказилиши асосий ҳамкор давлатлар билан савдо балансига таъсири сезилмаган.

Калит сўзлар: валюта сиёсати, экспорт, импорт, валюта курси, девальвация, ревальвация.

**ВЛИЯНИЕ ВАЛЮТНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА НА ЭКОНОМИЧЕСКИЕ
ОТНОШЕНИЯ С ОСНОВНЫМИ СТРАНАМИ-ПАРТНЕРАМИ**

Норбаева Мухлиса Акрам қизи
Докторантка банк-молия академияси
академии Республики Узбекистан

Аннотация. В научной статье оценивается влияние валютной политики на внешнеэкономические связи Узбекистана. При этом основное внимание уделялось как основному государству-партнеру, имеющему широкие экономические связи с Узбекистаном в качестве объекта анализа. Согласно результатам анализа, либерализация валютной политики Узбекистана в последние годы оказала незначительное положительное влияние на международные торговые отношения. То есть перевод валютного курса в режим плавающего курса не оказал влияния на торговый баланс с основными странами-партнерами.

Ключевые слова: валютная политика, экспорт, импорт, валютный курс, девальвация, ревальвация.

IMPACT OF FOREIGN EXCHANGE POLICY OF UZBEKISTAN ON ECONOMIC RELATIONS WITH MAIN PARTNER COUNTRY

Norbayeva Muxlisa Akram qizi
 Doctoral student of the Banking and
 Finance Academy Republic of Uzbekistan

Annotation. *The impact of foreign exchange policy on foreign economic relations of Uzbekistan is assessed in the scientific article. In this, the main attention was taken as the main partner state with wide economic relations with Uzbekistan as an object of analysis. According to the results of the analysis, the liberalization of Uzbekistan's foreign exchange policy in recent years had a low positive effect on international trade relations. That is, the transfer of the exchange rate to the floating exchange rate regime did not have an impact on the trade balance with the main partner countries.*

Key words: *foreign exchange policy, export, import, exchange rate, devaluation, revaluation.*

Кириш. Ҳар бир давлат учун валюта айирбошлаш курси режимини белгилаш муҳимдир. Чунки марказий банклар валюта курслари режимини белгилаш орқали товарлар ва молия бозоларига, ички ва ташқи иқтисодиётга мамлакатда валюта сиёсати қандай юритилиши ҳақида сигнал беради ва шунга кўра иқтисодиётда турли жараёнлар кузатилади.

Валюта курси режимлари турли иқтисодий шароитлардан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлган. XIX аср ўрталарига келиб, давлатлар ўртасида иқтисодий алоқалари шу даражада кучайдики, бу ҳолат давлатлар олдида валюта тизимининг шаклини белгилаш каби масалаларни қўйди. Айнан ўша даврдан бошлаб халқаро валюта тизимлари вужудга кела бошладди. Халқаро валюта тизимларининг вужудга келиши ва унинг ривожланиш босқичлари давомида турли валюта курслари режимлари вужудга келди.

Марказий банклар томонидан алмашинув курсини коррективировка қилиш ва бу орқали иқтисодиётдаги турли жараёнларга таъсир кўрсатиш валюта сиёсати деб аталади. Айнан валюта сиёсатини олиб бориш орқали давлатлар ички ва халқаро иқтисодий вазиятларга таъсир кўрсатиб туради.

Валюта сиёсати кўп ҳолларда ривожланаётган давлатларда ишлатиладиган терминлардан ҳисобланади. Бунга сабаб ривожланган давлатлардан фарқли равишда ривожланаётган давлатлар миллий валюталарининг халқаро ҳаракати таъминланмаган. Яъни бу давлатлар миллий валюталарида халқаро қарзлар олинмайди ва тўланмайди. Шундай экан, иқтисодий адабиётларни ўқиганда, алоҳида валюта сиёсати деб юритилган адабиётларни топиш қийин. Валюта сиёсати монетар сиёсатнинг бир қисми бўлиб, кўп ҳолларда монетар ва валюта сиёсати деб ҳам юритилади.

Алмашинув курси эркин сузиб юривчи курс режимида бўлганда, миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан қиймати валюта биржасидаги талаб ва таклифга асосан шаклланади. Аммо бу марказий банклар, умуман, алмашинув курси шаклланишига аралашмайди, дегани эмас. Иқтисодиётда турли тебранишлар, халқаро иқтисодиётдаги турли “шоклар” юз бериши натижасида миллий валюта курсида кескин тебранишлар вужудга келганда, бунинг таъсирини юмшатиш мақсадида марказий банклар курсни коррективировка қилиши мумкин бўлади ва буни амалиётда кўплаб учратсак бўлади.

Адабиётлар шарҳи. Давлатлар учун валюта сиёсатини тўғри олиб бориш ва у орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш муҳим масалалардан биридир. Шу йўлда кўплаб давлатларда иқтисодчи олимлар томонидан пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарадорлиги, унинг иқтисодий ўсишга таъсири ва оптимал валюта курси режимини белгилашга қаратилган талайгина илмий ишлар олиб борилган. Хусусан, ушбу илмий ишлар 1950 йиллардан кейин аҳамияти янада ошиб борди ва валюта сиёсати борасида илмий ишлар сони ошиб кетди.

N.Saka ва D.T.Moyanga томонидан ривожланаётган давлатларда валюта сиёсатининг самарадорлиги борасида илмий ишлар олиб борилган. Уларнинг фикрича, ривожланаётган давлатларда валюта сиёсати режими иқтисодиётнинг барча тармоқлари ҳаётийлигида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Нигерия иқтисоди хорижга пудрат хизматлари, технология, материаллар, хомашёларни экспорт қилишга ихтисослашган ва унга боғлиқ бўлиб қолган бўлиб, иқтисодчилар томонидан олиб борилган тадқиқотлар валюта сиёсати режимининг (Foreign exchange policy regime – FEPR) Нигериядаги қурилиш сектори фаолиятига

таъсирини ўрганишган. Ушбу таҳлилларни олиб боришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика бўлимидан (United Nations Statistics Division – UNSD) 1970 йилдан 2019 йилгача бўлган 50 йил давомида қурилиш сектори, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва валюта сиёсати режими бўйича вақт серияси статистик маълумотлардан фойдаланилган. Тадқиқотда эконометрик ёндашувдан, жумладан, стационарлик ва коинтеграция, шунингдек, ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатларни моделлаштириш учун вақтнинг умумлаштирилган усулидан (generalized method of moment – GMM) фойдаланилган. Улар томонидан олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, 1986 йилги валюта сиёсати режимидаги ислохот Нигерияда қурилиш сектори ишлаб чиқаришига сезиларли салбий таъсир кўрсатди. Бу шуни англатадики, қурилиш сектори кўрсаткичларига иқтисодийнинг ҳолати ва ҳукумат сиёсати катта таъсир қилар экан. Шунингдек, қурилиш секторининг ривожланиши кўпроқ олдинги қурилиш натижаларига боғлиқлиги ва фақат нефть экспорти зарбаси туфайли ўзгарганлиги аниқланди. Шу сабабли улар томонидан олиб борилган тадқиқот қурилиш секторидаги муаммоларни бартараф этиш ва валюта курсининг ўзгарувчанлиги қурилиш секторига таъсирини камайтириш учун барқарор қурилишни ривожлантириш стратегияларини амалга оширишни тавсия қилади. Ниҳоят қурилиш секторининг барқарор ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган пул-кредит ва фискал сиёсатни амалга ошириш лозим, деган хулосани олишган [5].

J.Oseni фикрича, олдин олиб борилган тадқиқотларда ривожланаётган мамлакатларда пул-кредит сиёсати фискал сиёсатдан кўра кўпроқ иқтисодий фаолиятни келтириб чиқаради, деган консенсусга эришилди. Олимнинг тадқиқотлари макроиқтисодий воситаларидан қайси бири нархлар барқарорлигига эришишда самаралироқ эканлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш орқали олдинги тадқиқотлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, экзоген омил мавжудлиги учун Марказий банк қаттиқ пул-кредит сиёсати ҳам иқтисодийдан ортиқча ликвидликни тўхтата олмаслиги мумкинлигини кўрсатган. Худди шу тарзда экзоген омил юмшоқ пул-кредит сиёсатидан келиб чиқадиган барқарор иқтисодий ўсишни беқарорлаштирган. Тадқиқот, шунингдек, валюта курслари пул-кредит сиёсати ставкаларига қараганда, нарх барқарорлигига эришиш учун самаралироқ восита

эканлигини аниқлади. Нигерия иқтисодиёти, асосан, импортга боғлиқ бўлиб, импортнинг катта қисми истеъмол қилинадиган товарлар ва хизматлар ва камроқ ишлаб чиқариш (капитал) товарларидир. Фоиз ставкаларининг ўзгаришига қараганда, валютадаги ўзгаришларнинг таъсири иқтисодийга кўпроқ таъсир қилади. Бу каби давлатларда регулятор банклари принципиал жиҳатдан тўғри ва амалда самарали бўлган валюта сиёсатини шакллантириш ва қўллашга устувор аҳамият берса, нархлар барқарорлигига эришиш мумкин, деган хулосага келган [4].

Ушбу олимларнинг фикрича, ўрта муддатда валюта курсларидаги катта частотада тебранишлар инфляцияни таргетлашдан кўзланган мақсадга эришишда тўсқинлик қилмоқда ва инфляцияни таргетлаш режимининг ишончилигига путур етказмоқда. Агар марказий банклари иккита сиёсат воситасини, яъни фоиз ставкаси ва валюта бозорига интервенцияларни бир вақтда амалга оширишни кўзлаган бўлса, у ҳолда нарх барқарорлиги ва валюта курси мақсадларига эришиш учун улар тандемда ишлатилиши керак. Дарҳақиқат, валюта курсларининг потенциал бетартиб ўзгариши (шу жумладан, капитал оқимининг ўзгарувчанлиги туфайли) шароитида иккинчи воситадан, яъни валюта интервенциясидан фойдаланишни олдиндан мақсад қилиш, иқтисодий субъектлар ўртасида марказий банк сиёсатига ишончни оширишдан кўра пасайишга хизмат қилиши мумкин, чунки маълум бир нуқтада вазиятга аралашмаслик мажбурияти ҳам туғилади.

Уларнинг фикрича, марказий банк жамоатчилик олдида паст инфляция бўйича ўз мажбуриятини мустаҳкамлашга интилаётганда, икки воситали инфляцион таргетлаш режими сезиларли фойда келтириши мумкин. Хусусан, пул-кредит сиёсатининг ишончилиги юқори бўлган тақдирда инструментлардан ихтиёрий фойдаланиш мақбул вариант бўлсада, инфляцион таргетлаш режими ишончлик номукамал бўлганда, инфляцион кутилмаларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Агар валюта интервенциясидан фойдаланиш паст инфляцияга бўйсундирилган бўлса, макробарқарорликка эришиш осонроқ бўлади [3].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, валюта сиёсатининг давлатлар ташқи савдоларига таъсирини таҳлил қилишда Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва

Статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Илмий тадқиқотимизда Ўзбекистон ва унинг асосий ҳамкор давлатлари миллий валюта курсларининг АҚШ долларига нисбатан ўзгаришини кўриб чиқамиз. Таҳлил натижаларига кўра, 2017 йилга қадар асосий ҳамкор давлатларимиз валюта курслари девальвацияси миллий валюта девальвациясидан анча юқори бўлган. Бу вазият, асосан, 2014-2015 йиллардан яққол кўринмоқда. 2014 йилда асосий ҳамкор давлатимиз бўлган Россия иқтисодиётига қўйилган санкциялар натижасида унинг миллий валютаси АҚШ долларига ва бошқа асосий халқаро резерв валюталарга нисбатан кескин қадрсизланди. Бунинг таъсири МДХ давлатлари валюталарига ҳам сезиларли бўлди.

Ўша даврда Ўзбекистон валютаси бошқариладиган сузиб юрвчи курс режимида

бўлганлиги сабабли Марказий банк миллий валюта девальвациясини доимгидек 10-15 фоиз атрофида сақлаб турди. Бунинг натижасида миллий ишлаб чиқаришимиз халқаро бозорларда рақобатбардошлигини йўқотди. Айнан шу вазиятнинг олдини олиш мақсадида 2017 йил 5 сентябрда миллий валюта 94 фоизга девальвация қилинди. Бошқача қилиб айтганда, миллий валюта курслари ўртасидаги олдинги йиллардаги фарқларни тиклаш ёки бой берилган имкониятларни қайтариш учун кескин девальвация амалга оширилди.

Албатта, бу каби кескин девальвацияни амалга ошириш нафақат молия бозорида, балки товарлар бозорида ҳам катта резонанс берди ва иқтисодий аҳволимизни ёмонлаштирди. Бизнинг фикримизча, миллий валюта курси бозор тамойиллари асосий ўрнатилганда, бу каби салбий оқибатлар бўлмас эди.



1-расм. Асосий ҳамкор давлатлар миллий валюталарининг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курсининг ўзгариши (фоизда)

Манба: <https://www.xe.com/currencycharts/?from=USD&to=KZT&view=10Y>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги ўн йил ичида Хитой давлати миллий валютасидан бошқа қолган асосий ҳамкор давлатларимиз миллий валюталари АҚШ долларига нисбатан кескин қадрсизлан-

ган. Хусусан, Россия рубли ва Қозоғистон тенгеси АҚШ долларига нисбатан 200 фоиз атрофида девальвация бўлган бўлса, Туркия лираси эса жуда катта, яъни 1242 фоизга девальвация бўлган.

1-жадвал

Асосий ҳамкор давлатларимиз миллий валюта курсларининг ўзгариш динамикаси

Алмашинув курслари	2015 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	Охириги ўн йилдаги ўзгариш
USD/KZT	87,65 %	9,48 %	3,26 %	6,37 %	2,65 %	208,32 %
USD/CHY	4,52 %	-6,18 %	-2,71 %	8,53 %	5,80 %	18,71 %
USD/RUB	58,78 %	11,38 %	2,15 %	-7,02 %	63,73 %	196,35 %
USD/TRY	24,26 %	23,53 %	26,27 %	86,99 %	47,53 %	1242,35 %
USD/UZS	16,18 %	9,90 %	3,54 %	3,95 %	8,39 %	467,87 %


Манба: <https://www.xe.com/currencycharts/?from=USD&to=KZT&view=10Y>

ки, миллий валюта девальвацияси импорт ҳажмига таъсир кўрсатгани йўқ. Демак, таҳлил олиб боришда экспорт ва импорт ҳажмида давлатнинг улушини олиб ташлаш ва фақатгина хусусий секторнинг талаб ва таклифини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Шунда биз миллий валюта девальвациясининг халқаро савдо операцияларига таъсирини яққол кўришимиз мумкин. Аммо бу каби очиқ статистик маълумотлар мавжуд эмаслиги таҳлилимизни чеклаб қўймоқда.

Таҳлилимизнинг кейинги босқичида биз асосий ҳамкор давлатимиз бўлган Хитой давлати билан экспорт ва импорт алоқаларини ва унда икки давлат ўртасидаги валюта курсларидаги ўзгаришларнинг савдо алоқаларига таъсирини таҳлил қиламиз.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодиётида Хитой Халқ Республикаси асосий ўринга эга. Хусусан, Хитой давлати билан савдо айланма-

си 2014 йилда 4520,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2123,7 млн. АҚШ доллари бизнинг экспортимизни ташкил қилган ва 2396,8 млн. АҚШ долларини эса импортимизни ташкил қилган ҳолда ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси - 273,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 8938,9 млн. АҚШ долларига етган ва бунинг салбий томони шундаки, ушбу давлатга қилган экспортимиз 2511,2 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда охириги 10 йилда сезиларсиз ўсган. Аксинча, Хитойдан қилаётган импортимиз уч бараварга ошган ҳолда 6427,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси - 3916,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Бу каби салбий савдо баланси қолдиғи Ўзбекистон давлати тарихида кузатилмаган.




3-расм. Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунга валюта сиёсатининг таъсири

Манба: www.stat.uz ва www.cbu.uz расмий сайтлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

Хитой давлатининг миллий валютаси билан Ўзбекистон миллий валютаси ўртасидаги алмашинув курсига назар ташласак, унда охириги 10 йилда фақатгина 2018 ва 2022 йилларда бизнинг валютамиз Хитой юанига нисбатан қадрланган ва мос равишда бу кўрсаткич -3,27 фоизни ва -4,58 фоизни ташкил қилган. Қолган даврларда бизнинг миллий валютамиз Хитой юанига нисбатан девальвация бўлган.

Аммо шунга қарамасдан, миллий валютамизнинг Хитой юанига девальвацияси экспортни оширишга хизмат қилмаган. Яъни

алмашинув курслари ўзгариши билан экспорт-импорт ўртасидаги корреляция мантиқан нотўғри қурилмоқда. Хусусан, миллий валютамизнинг Хитой юанига нисбатан девальвацияси билан Хитойга қилаётган экспортимиз ҳажмининг ўзгариши ўртасидаги корреляция -0,12 га тенг бўлган бўлса, ушбу давлатдан кириб келаётган импорт ҳажмининг ўзгариши билан корреляция 0,09 га тенг бўлмоқда. Бу билан айтишимиз мумкинки, Хитой билан савдо алоқаларимизда валюта сиёстимиз самарали ишламаяпти.



4-расм. Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунга валюта сиёсатининг таъсири

Манба: www.stat.uz ва www.cbu.uz расмий сайтлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.


Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодиётида Россия Федерацияси кучли боғлиқликка эга. Буни нафақат товар ва хизматлар экспорти ва импортида, балки меҳнат ресурслари тақсимоотида ҳам кўришимиз мумкин. Шу билан бирга, Россия миллий валютаси билан бизнинг миллий валютамиз ўртасида ҳам кучли боғлиқлик мавжуд. Шундан келиб чиққан ҳолда, бу давлат билан иқтисодий алоқани таҳлил қилиш ва бунда валюта сиёсатимизнинг ўрнини кўриш муҳим масалалардан биридир. Таҳлил натижаларига кўра, Россия билан савдо айланмаси 2014 йилда 5858,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2545,8 млн. АҚШ доллари бизнинг экспортимизни ташкил қилган ва 3312,7 млн. АҚШ долларини эса импортимизни ташкил қилган ҳолда ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси -766,9 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 9329,8 млн. АҚШ долларига етган ва Хитой давлати билан бўлган муносабат каби бунинг салбий томони шундаки, ушбу давлатга қилган экспортимиз 3099,1 млн. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда охириги 10 йилда сезиларсиз ўсган. Аксинча, Россиядан қилаётган импортимиз икки бараварга ошган ҳолда 6230,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси -3131,6 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Россиянинг миллий валютаси билан Ўзбекистон миллий валютаси ўртасидаги алмашинув курсига назар ташласак, унда охириги 10 йилда фақатгина 2014, 2015 ва 2020 йилларда бизнинг валютамиз Россия рублига нисбатан қадрланган ва мос равишда бу кўрсаткич -10,52; -42,60 ҳамда -1,4827

фоизларни ташкил қилган. Шуни таъкидлашимиз лозимки, кўрилаётган даврлардан 2014 ва 2015 йилларда бизнинг валютамиз курси реал ўрнатилмаган ва бу даврдаги ревальвация сунъий ҳисобланади. Кейинги даврларда эса алмашинув курси валюта бозоридаги талаб ва таклифдан келиб чиқиб белгиланган ва унинг ўзгаришини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий валютамизнинг Россия рублига нисбатан девальвацияси ушбу давлатга экспортимизни сезиларли оширишга таъсири пастдир. Буни икки давлат алмашинув курслари билан Ўзбекистон экспорти ўртасидаги корреляциядан кўришимиз мумкин ва бу кўрсаткич 0,27 га тенг бўлмоқда. Шу билан бирга, Россия рубли ва миллий валютамиз сўмнинг алмашинув курси билан Россиядан қилаётган импортимиз ўртасидаги корреляция эса мусбат бўлиб, 0,25 га тенг бўлиши бизнинг валютамизнинг Россия рублига нисбатан девальвацияси бу давлат билан савдо алоқаларимизга таъсири паст, деган хулосани келтирмоқда.

Ўзбекистон билан Туркия давлатлари ўртасида охириги йилларда жуда илиқ муносабатлар ўрнатилмоқда. Ушбу сиёсий муносабатлар, албатта, иқтисодиётда ҳам ўз аксини топмоқда. Олдинги даврда Туркиядан, асосан, текстиль маҳсулотлари импорт қилаётган бўлсак, бугунги кунда ушбу давлатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, янги технологиялар ҳам импорт қилмоқдамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда Туркия бизнинг асосий ҳамкор давлатимизга айланган ҳолда ушбу икки давлат иқтисодиётининг бири-бирига таъсири кучайиб бормоқда.



5-расм. Ўзбекистон ва Туркия давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунга валюта сиёсатининг таъсири


Манба: www.stat.uz ва www.cbu.uz расмий сайтлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

Таҳлил натижаларига кўра, Туркия билан савдо айланмаси 2014 йилда 1505,7 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 966,3 млн. АҚШ доллари бизнинг экспортимизни ташкил қилган ва 539,5 млн. АҚШ долларини эса импортимизни ташкил қилган ҳолда бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси 426,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 3250,7 млн. АҚШ долларига етган ва экспортимиз 1512,7 млн. АҚШ долларини ҳамда импортимиз 1738,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси -226,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Яъни кўриладиган даврда 2018 йилгача бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси мусбат бўлган бўлса, ундан кейинги даврда эса манфийга ўтган. Хўш, бу каби салбий ўзгаришга алмашинув курси қандай таъсир қилган? Буни қуйида таҳлил қилиб кўрамиз.

Туркия лираси билан Ўзбекистон миллий валютаси ўртасидаги алмашинув курсига назар ташласак, унда охириги 10 йилда фақатгина 2016 ва 2017 йилларда бизнинг валютамиз Туркия лирасига нисбатан қадрсизланган ва қолган даврда эса бизнинг валютамиз Туркия лирасига нисбатан қадрланган. Туркия лираси ва ўзбек сўми ўртасидаги алмашинув курси билан бизнинг бу давлатга экспортимиз ўртасида корреляция 0,26 га тенг бўлиши, ўз навбатида, миллий валютамиз қадрланиши экспортимизни ошироқда, деган хулосани келтироқда. Шу билан бирга, ўзбек сўми ва Туркия лираси ўртасидаги алмашинув курси билан бизнинг бу давлатга импортимиз ўрта-

сида корреляция эса 0,19 га тенг бўлиши, ўз навбатида, миллий валютамиз қадрланиши импортимизни ҳам ошироқда деган хулосани келтироқда. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, Туркия ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларга алмашинув курсларининг таъсири йўқ.

Кўшни давлатларимизда Қозоғистон давлати билан иқтисодий ва сиёсий алоқаларимиз конструктив қурилган. Бу, албатта, улар билан савдо алоқаларимизнинг йиллар давомида ошиб боришини таъминламоқда. Таҳлил натижаларига кўра, Қозоғистон билан савдо айланмаси 2014 йилда 3496,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, шундан 2487,7 млн. АҚШ доллари бизнинг экспортимизни ташкил қилган ҳамда 1008,7 млн. АҚШ долларини эса импортимиз бўлган ҳолда бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси 1479,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2022 йилга келиб эса бу давлат билан савдо алоқамиз биз кўзлаган натижани бермади ва савдо айланмаси 4636,7 млн. АҚШ долларига етган ва экспортимиз кескин камайиб кетиш ҳисобига 1393,1 млн. АҚШ долларини ҳамда импортимиз эса ошиб кетиш ҳисобига 3243,5 млн. АҚШ долларини ташкил қилган ва бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси салбий томонга ўзгарган ва -1850,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Яъни кўриладиган даврда 2017 йилгача бу давлат билан савдо балансимиз сальдоси мусбат бўлган бўлса, ундан кейинги даврда эса манфийга ўтган. Бу ҳолатга алмашинув курси қандай таъсир қилаётганлигини қуйида таҳлил қилиб кўрамиз.



6-расм. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунга валюта сиёсатининг таъсири

Манба: www.stat.uz ва www.cbu.uz расмий сайтлар маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланди.

Қозоғистон тенгеси билан Ўзбекистон миллий валютаси – сўм ўртасидаги алмашув курсига назар ташласак, 2016 йидан кейинги даврда фақатгина 2018 ва 2022 йилларда бизнинг валютамыз Қозоғистон тенгесига нисбатан қадрланган ва қолган даврда эса бизнинг валютамыз қардсизланган. Қозоғистон тенгеси ва ўзбек сўми ўртасидаги алмашув курси билан бизнинг бу давлатга экспортимиз ўртасида корреляция 0,16 га тенг бўлган бўлса, импортимиз ўртасида корреляция эса 0,03 га тенг бўлиши, ўз навбатида, валюта сиёсатимиз самарали бўлмаётганлигидан далолат бермоқда.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, 2017 йилдан валюта сиёсатимиздаги ижобий ўзгаришлар, яъни турли валюта чекловларини бартараф этишимиз халқаро савдо алоқаларимиз ҳажмини оширди. Хусусан, 2017 йил 5 сентябрдаги валюта сиёсатимизни эркинлаштиришимиз

импортёрларга ижобий таъсир қилган ҳолда ички иқтисодиётда рақобат муҳитини яхшилади.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, асосий ҳамкор давлатларимиз билан савдо алоқаларини ривожлантиришда ва биз кўзлаган натижаларга эришишда миллий валютамызнинг бу каби давлатлар миллий валюталарига нисбатан оз бўлса-да, девальвациясини таъминлаб туришимиз лозим.

Аммо таҳлилдан кўриниб турибдики, миллий валютамыз девальвацияси ҳам етарлича самара бермаяпти. Бу, ўз навбатида, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришда валюта сиёсати билан бир қаторда бошқа иқтисодий сиёсатни олиб бориш лозимлигини билдиради. Яъни давлатда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва бунда халқаро савдо ҳажмининг ўрнини ошириш фақатгина валюта сиёсати орқали эришиб бўлмаслигини билдиради.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Cardoso, A., & Duarte, A. P. (2017). The impact of the Chinese exchange policy on foreign trade with the European Union. *Brazilian Journal of Political Economy*, 37, 870-893.
2. Fratzscher, M. (2012). Capital controls and foreign exchange policy.
3. Ghosh, A.R., Ostry, J.D., & Chamon, M. (2016). Two targets, two instruments: Monetary and exchange rate policies in emerging market economies. *Journal of International Money and Finance*, 60, 172-196.
4. Oseni, J.E. (2013). Achieving price stability in Nigeria: Monetary policy rate approach vs. foreign exchange policy approach. *Foreign Exchange Policy Approach* (July 4, 2013).
5. Saka, N., & Moyanga, D.T. (2023). Evaluating the Influence of Foreign Exchange Policy Regime on the Construction Sector in Nigeria. *International Journal of Real Estate Studies*, 17(1), 1-12.
6. <https://data.worldbank.org>
7. <https://imf.org>
8. <https://cbu.uz>
9. <https://stat.uz>